

Халқ сўзи



1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: Info@xs.uz

2012 йил 18 май, № 97 (5517)

Жума

«BestSoft — Uzbekistan — 2012»:

Дастурий маҳсулотлар кўрғазмаси

Бугун юртимизда ахборот-коммуникация технологиялари кириб бормаган соҳанинг ўзи йўқ. Бу эса, ўз навбатида, софтвер саноатининг изчил ривожланишига кенг йўл очмоқда. Хусусан, ҳозирги кунда мамлакатимизда дастурий маҳсулотларни яратиш, ишлаб чиқариш ва жорий қилиш билан шуғулланувчи 200 дан зиёд субъект фаолият юритаяпти. Уларнинг ишланмалари, дастурий маҳсулотлари дунёнинг етакчи давлатларига экспорт қилинаётди.



рлар вакиллари иштирок этди. Таъкидлаш жоизки, кейинги йилларда Ўзбекистонда мазкур соҳа жадвал тараққиёти тоғмоқда. Хусусан, юртимиз дастурчилари жаҳоннинг илғор компания ва

фирмалари билан самарали ҳамкорлик қилаётгани, бир қатор олий таълим муассасаларида ёш дастурчилар тайёрлаш йўлга қўйилгани, ушбу йўналишга ихтисослаштирилган марказ таш-

кил этилгани бунинг амалий тасдиғидир. Шунингдек, Президентимизнинг 2012 йил 21 мартда имзоланган «Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини янада жорий этиш ва ривожлан-

тириш чора-тадбирлари тўғрисида» қарори соҳа истикболларини таъминлашда муҳим дастуриламал бўлаётди.

(Давоми 2-бетда).

Ярмарка

Нукусда навбатдаги ҳудудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси бўлиб ўтди. Айтиш жоизки, 2007 йилдан бунён ўтказиб келинаётган мазкур тадбир Оролбўйи минтақасида фаолият юритаётган 24 мингдан зиёд саноат корхоналари ва ишбилармонлар учун кенг имкониятлар яратиши билан бирга, маҳсулотлар ва хизматлар хилма-хиллигини ҳам таъминламоқда.

Сифатли ва рақобатбардош

Саноат корхоналаримизда тайёрланаётган маҳсулотлар ана шундай эътирофга сазовор бўлмоқда.

Жорий йилги ярмаркада 170 та тадбиркорлик субъекти иштирок этиб, 750 дан зиёд маҳсулотларни намойиш қилгани бунинг даллатидир. Масалан, Тахтақўпир туманидаги «Раёно-чевар» корхонаси ярмаркага 30 турдаги тикувчилик маҳсулотини тақдим қилган эди. Корхона жамоаси ярмарка кунларида Хўжайли туманидаги Меҳрибонлик уйи ҳамда Чимбой туманидаги Муруват уйига маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар имзолашга эришди.

морлар учун қулай қара-воллар, қаттиқ ва юмшоқ мебелларни тақлиф қилдик, — дейди Хоразм вилоятдаги «Элизна» ишлаб чиқариш корхонаси раҳбари Йўлдош Эрназаров. — Чунки бу ҳудудда замонавий тиббиёт муассасалари бунёд этилаётган хабардоримиз. Натихада тадбир асосида Қорақалпоғистондаги ўнлаб ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйдик.

Худудий Саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида, шунингдек, қўшни Хоразм вилоятидан 10 га яқин корхона ҳамда тадбиркорлик субъектлари ҳам қатнашиб, жами 4 миллиард 100 миллион сўмликдан зиёд 100 дан ортиқ шартномалар тузишга диққатга сазовордир.

Ярмарка доирасида ўтказилган семинар ва тақдиротларда маҳаллий тадбиркорлар томонидан тайёрланган маҳсулотлар сифати ва рақобатбардошлиги бўйича хорижий давлатларниқидан асло қолишмаслиги таъкидланди. 4 мингдан зиёд киши улар билан яқиндан танишгани, яқунда кўп-лаб келишувларга эришилгани бунинг яққол тасдиғидир.

— Ярмаркада қорақалпоғистонлик харидорларга замонавий тиббий анжомлар, шу жумладан, бе-

Ҳидоят АҲМЕДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қарор ва ижро

16-17 май кунлари Тошкент ахборот технологиялари университетида бўлиб ўтган анъанавий «BestSoft — Uzbekistan — 2012» миллий дастурий маҳсулотлар кўрғазмасида ана шу соҳадаги муваффақиятлар намойиш этилди. Тадбир Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, Ахборот технологиялари корхона ва ташкилотлари уюшмаси томонидан Компьютерлаштиришни ривожлантириш ва ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаш ҳамда бошқа қатор ташкилотлар кўмагида уюштирилди. Унда 60 та халқаро ва маҳаллий компания — дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқарувчилар ҳамда интераторлар, контент-ишлаб чиқарувчилар, провайдерлар, илмий ва таълим муассасалари, вазириликлар, идо-

Нью-Йоркда Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини қуриш соҳасидаги муваффақиятлари муҳокама этилди

Яқинда Нью-Йорк давлат университетиде «Фуқаролик жамиятининг замонавий концепцияси: янги тамойиллар шароитида Ўзбекистон таъриби» мавзусига бағишланган брифинг бўлиб ўтди. У давлатчилик тараққиётида фуқаролик жамиятининг замонавий ўрни, Ўзбекистоннинг демократик ўзгаришлар борасида кўлга киритган муваффақиятлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислоҳ Каримов томонидан тақдим этилган «Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси»нинг асосий мазмун-моҳияти билан масалалар муҳокамага бағишланди.

Дунё нигоҳи

Мамлакатимизнинг БМТ ҳузуридаги доимий ваколатхонаси, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг Нью-Йоркдаги ваколатхонаси ҳамда Глобал илмий қишлоқлар маркази (АҚШ) ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур тадбирда ёш илмий тадқиқотчилар, Нью-Йорк давлат университети профессор-ўқитувчилари, ушбу олий таълим муассасасининг талаба ва

магистрантлари, шунингдек, АҚШнинг таниқли экспертлари ҳозир бўлдилар.

Ўзбекистон Республикасининг БМТ ҳузуридаги доимий вакили ўз чиқишида республикамиз мустақиллигини эълон қилганидан сўнг ўз тараққиёт йўлини танлаб олгани ва бунда мамлакатимизнинг миллий ҳамда тарихий ўзига хосликлари ҳисобга олинганини қайд этди. Жамиятда жараёнлар

бошқарилиши самардорлиги давлат ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш масалаларида аҳоли барча қатламларининг иштироки ҳамда жалб этилиши даражасига боғлиқдир.

Ўзбекистонда минг йиллар давомида мавжуд бўлган фуқаролик жамияти институти, яъни маҳалла институти мамлакатимиз мустақиллигини кўлга киритганидан сўнг янада тараққиёт тоғгани ва такомиллашгани тадбирда алоҳида таъкидланди. Маъ-

лумки, бу институт ўзбек халқининг ноёб анъанавий мероси бўлгани ҳолда, маҳаллий ўзини ўзи бошқарув вазибаларини жуда самарали тарзда ҳаётга татбиқ қилиб келмоқда. Тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда ҳаётга жорий этилаётган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг мазмун-моҳияти билан батафсил таништирилди. «Ўзбек модели»нинг беш асосий тамойили шарофати билан юртимиз кейинги 20 йил мобайнида бозор иқтисодиётига асосланган ижтимоий йўналтирилган очик демократик давлат қурилишида сезиларли натижаларни кўлга киритгани айтиб ўтилди.

Тадбирда қатнашган экс-

пертлар ушбу муҳим масалалар юзасидан ўларнинг баҳоларини, фикр ва мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Хусусан, Нью-Йорк давлат университети профессори П. Морвиж сўзга чиқар экан, глобаллашув ҳамда универсаллашув жараёнлари кучайиб бораётганига қарамай, турли цивилизацияларнинг, халқлар ва давлатларнинг ўзига хос жиҳатларини эътиборга олиш ниҳоятда муҳим аҳамиятга эгаллигини қайд этди. Унинг фикрича, демократия ва кадрларнинг бирча мамлакатлар учун ягона ҳамда универсал моделини зўрлаб сингдиришга уриниш халқлараро ва цивилизациялараро иттилофларга олиб келиши муқаррар.

(Давоми 2-бетда).

2012 йил — Мустақкам оила йили

«Соғлом авлод учун» жамғармаси ҳамда «Ўзбекистон темир йўллари» давлат-ақшдорлик темир йўл компанияси ҳамкорлигида «Мустақкам оила йили» Давлат дастурида кўзда тутилган вазибалар ижросини таъминлаш мақсадида ташкил этилган «Саломатлик поезди» Қашқадарь ва Сурхондарь вилоятларига жўнаб кетди.

«Саломатлик поезди» жўнаб кетди

Мазкур поездга ортилган 30 миллион сўмликдан зиёд дори-дармон, санитария-гигиена воситалари, озиқ-овқат, кийим-кечак, қарийб тўрт юз минг АҚШ доллариллик тиббиёт жиҳозлари ва бошқаруш пайвазали ижтимоий химояга муҳтож аҳолига, шунингдек, чекка қишлоқларда яшаётган аёллар ва болаларга тарқатилиши кўзда тутилган.

«Саломатлик поезди» «Деҳқонobod — Окробод — Дарбанд — Бойсун — Қумқўрган» йўналиши бўлиб ҳаракатланади. Терапевт, невропатолог, гинеколог сингари кўплаб мутахассислардан иборат шифокорлар гуруҳи аҳолига тиббий ёрдам кўрсатиш билан бирга, турли хасталиқларнинг олдини олиш, соғлом турмуш тарзини тарғиб этиш, оилаларда тиббий маданиятни юксалтиришга доир сўхбатлар ўтказилади.

О. ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қисқа сатрларда

- **Хоразм** Маъмур академиясида воҳонинг сайёҳлик салоҳияти тақдироти бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизнинг соҳага оид ташкилотлари ҳамда халқаро сайёҳлик компания ва фирмалари вакиллари ҳам иштирок этди. Тадбирда вилоятда туризмни янада ривожлантириш борасидаги истикболли вазибалар ҳақида сўз борди.
- **Бўка туманида йўлак қоламалари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган «Обидбек Мафтур» хусусий корхонаси ташкил этилди.** Худудий инвестиция дастури асосида фаолият бошлаган мазкур корхонада ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш учун 189 миллион сўм йўналтирилди. Айни пайтда корхонанинг ўн кишилик жамоаси қурилиш ташкилотларининг дастлабки буюртмаларини бажаришга киришган.
- **Ховос** туманидаги Қорақум маҳалласига 2 километрик ичимлик суви қувури тортилди. Ушбу хайрли ишни амалга оширишга 39,8 миллион сўм сарфланди.
- **Самарқанд вилояти Перинатал маркази капитал таъмирдан чиқарилиб, фойдаланишга топширилди.** Бунинг учун 1 миллиард 785 миллион сўм ажратилди. Шунингдек, замонавий қиёфа касб этган мазкур муассаса 156 миллион сўмлик қўшимча тиббиёт жиҳозлари билан таъминланди.
- **Андижон** шаҳрида «Аёллар маслаҳат маркази» фаолияти йўлга қўйилди. Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Германия Халқаро ҳамкорлик бўйича жамғарма кассалари фонди томонидан ташкил этилган ушбу марказда тадбиркорлар ва ўз хусусий бизнесини йўлга қўйиш ниятидаги аёлларга молиявий ҳисоб-китобларни юритиш юзасидан билим-қўникмалар берилмоқда.

«Халқ сўзи» мухбирлари хабарлари асосида тайёрланди.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ


ЭКСПОРТ ҲАЖМИ ОРТМОҚДА

Жаҳон бозорларида кузатилаётган конъюнктуранинг анча тебранишига қарамай, охири беш йилда мамлакатимизда экспорт ҳажми деярли

1,7 баравар кўпайди.

Маҳаллий ишлаб чиқарувчилар маҳсулотларининг рақобатбардошлигини ошириш, уларни экспортга етказиб бериш ҳажми ва турларини кўпайтириш, ташқи бозорлардаги ўрнини мустақкамлаш ҳамда экспорт географиясини кенгайтириш бўйича республикада ташкил этилган имтиёз ва преференцияларнинг комплекс тизими туфайли ана шундай ижобий натижага эришилди.

(Давоми 2-бетда).



«Фарзандларимиз биздан кўра билимли, кучли, доно ва, албатта, бахтли бўлишлари шарт». Барчамизнинг дилимиздан мустақкам жой олиб, доимо эзгу мақсад сари ундаб турувчи бу қанотли шпор давлатимизнинг ёшлар таълим-тарбиясига нақадар катта эътибор қаратишини яққол ифодалаб беради.

Камолот ва шижоат уйғунлиги

Ислохотларнинг амалий натижаларини эса ҳар бир ҳудудда қўриш мумкин: шаҳару қишлоқларимизда қад ростлаётган минглаб замонавий мактаблар, академик лицей ва касб-хунар коллежлари, олий ўқув юртилари, санъат ва спорт қошоналари ўқув-қизларимизнинг ҳеч қандам кам бўлмайдиган ваъда этиши йўлида самарали хизмат қилмоқда.

Таъкидлаш жоизки, ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом авлодни тарбиялашда Президентимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган уч босқичли спорт ўйинларининг алоҳида ўрни бор. Мазкур ноёб тизимнинг дастлабки бўғичи — «Умид ниҳоллари» мусобақаларининг республика босқичига бу гал Навоий шаҳри мезбонлик қилишидан яхши хабардоримиз. Яна санокли қулардан сўнг бошланадиган ёшлик, камолот ва шижоат байрами юртимиз аҳли сабрсизлик билан кутмоқда.

Газетамизнинг ушбу сониде шу мавзуга оид туркум мақолалар, қизиқарли маълумотлар билан танишасиз.

Мамлакатимизда: Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Навоий

Навоий давлат кончилиги институтининг талабаси Ахмаддон Жумаев машинасозлик санъатини кенг қўлланиладиган футболка мосламасини яратди.

25 баробар арзонлашади

Бунда у базальт тоғ жинсидан фойдаланиб, Навоийда бу турдаги маҳсулотнинг чиқарилиши дарражаси бир неча баробар ортиб, унинг таннари 25 мартага арзонлашади.

— Мамлакатимизда мазкур камёб маҳсулотни кенг қўлдан ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш мумкин, — дейди Ахмаддон Жумаев. — Бунинг учун зарурий хом ашё ўзимизда етарли.

А. ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Сурхондарё

1995 йилда ўн та тукув дастгоҳи билан иш бошлаган Бойсун туманидаги «Умид» корхонасида бугун йилга 3 миллиард сўмлик ўқимачилик ва тукувчилик маҳсулотлари тайёрлаш имконияти яратилди.

Катта имкониятлар гарови

Чунинчи, ўтган йил бу ерда 2 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, унинг салмоқли қисми экспорт қилинди. Жамоа эндиликда қувватларни ошириш, сифат кўрсаткичларини янада яхшилаш ҳамда матога гуна босишни йўлга қўйиш мақсадида 850 минг АҚШ долларлик инвестиция киритиш ҳаракатида. Ушбу лойиҳа амалга оширилиши билан ишчилар ва касаначилар сон 100 нафарга етди.

Бандлик дастурига кўра, жорий йилда вилоятда яратилган 65615 та иш ўрнининг 37 мингтагани айнан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ташкил этиш режалаштирилган.

О. УСАНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Қашқадарё

Қарши муҳандислик-иктисодий институтининг бир гуруҳ олимлари маҳаллий ўқитдан биогаз олиш қурилишини яратишга муваффақ бўлдилар. Таъкидлаш керакики, ушбу технология куёш энергияси ёрдамида ишлайди.

Қуёшдан қувват олади

У, асосан, чўл шароитида чўпонлар ҳамда фермер ҳўжалиқларининг дала шўйпонларини энергия билан таъминлашга мўлжалланган.

Маълумки, биомасса (ҳайвот ва ўсимлик дунёси чиқиндилари аралашмаси)ни термик, кимёвий ҳамда биологик усулларда қайта ишлаб, ёқилги олиш мумкин. Бунинг учун биомасса хавосиз муҳитда 40-50 даража иссиқликда бижғитилиб, ундан таркибиди 60-70 фоизгача метан гази мавжуд бўлган биологик маҳсулот олинади. — Биомасса қайта тикландиган мўқобил энергия манбаларидан бири, — дейди институтнинг илмий ишлар бўйича проректори, техника фанлари номзоди Фулом Узоқов. — Вилоятда унинг захираси катта. Мазкур чиқинди аралашмасидан фойдаланиш экологик, энергетик ва иқтисодий жиҳатдан юқори самара беради. Масалан, олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, 1 тонна органик куруқ масса — чиқиндидан хавосиз ишлов бериш йўли билан 360 куб метр биогаз ёки 300 килограмм шартли ёқилги олиш мумкин.

А. МУХАММАДИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Нью-Йоркда Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини қуриш соҳасидаги муваффақиятлари муҳокама этилди

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

П. Морвижнинг сўзларига қараганда, мустақилликнинг 20 йили мобайнида Ўзбекистон ўз тараққиёт моделининг самарадор ва муваффақиятли эканлигини амалда исботлади. Дунёнинг кўплаб мамлакатларида тизимли пасайиш кузатишган ҳолда молиявий-иктисодий инқироз шариоитида ҳам Ўзбекистон юқори даражадаги иқтисодий ўсиш суръатларини сақлаб қолгани ҳолда, мамлакат иқтисодиётининг асосий тармоқлари жадал равишда ривожланишини таъминлашга муяссар бўлгани бунинг яққол мисолидир.

Мустақил сиёсатшунос Д. Мартин фикр билдирганидек, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг юртимизда аҳолининг сиёсий маданияти ва ижтимоий онги юксалиб, жамиятни демократлаштириш ҳамда либераллаштириш жараёнлари ҳам жадал ривожланмоқда. «Ўзбекистон Президент Ислам Каримов раҳбарлигида босиб ўтган йўлнинг жиддийлиги ва муҳимлиги ҳисобга олинган экан, барча қийинчиликларга қарамай, тараққиётнинг «Ўзбек модели» узининг самарадорлигини исботлади», деди у. Фуқаролик жамияти ноҳукумат ташкилотларининг ҳар томонлама ривожланиши хусусида сўзлар экан, Нью-Йорк давлат университети профессори А. Кодерман меконлар эътиборини Ўзбекистонда илмий тадқиқот ишларига катта аҳамият қаратиладигани, ёшларнинг қўллаб-қувватланаётгани, шунингдек, ижтимоий соҳада 5100 га яқин ноҳукумат ташкилоти фаолият юритаётгани билан боғлиқ маълумотларга қаратди. Бу кўрсаткич 2000 йилдаги нисбатан икки ярим мартабага кўндр. Сўнгги 20 йил мобайнида Ўзбекистонда бундай фуқаролик институтларининг ўрни ва аҳамиятини юксалтиришга йўналтирилган 200 дан зиёд меъриёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинди. Нодавлат нотижорат ташкилотлари, ижтимоий жамғармалар ҳамда хайрия муассасаларининг фаолиятини қафолатладиган қонунлар, А. Кодерман фикрича, Ўзбекистоннинг фуқаролик жамиятини мустахкамлаш ва кучли демократик давлат қуриш йўлидан ишонч билан қадам ташлаётганини яққол тасдиқлайди.

Тадбир доирасида «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси томонидан чоп этилган «Фуқаролик жамияти амалий моделининг варианти» номли янги китобнинг тақдими ҳам бўлиб ўтди. Унда мамлакатимизда фуқаролик жамияти қурилиши борасида тўлган тажриба тизимли тарзда ўз ифодасини топган. Ушбу янги китоб меҳмонларнинг юксак баҳосига сазовор бўлди. Брифинг якунида иш-тироқчилар бундай тадбирларнинг ташкил этилиши АҚШ илмий ва академик доиралари вакиллари билан ҳамда ташлаётганини яққол тасдиқлайди.

«Жаҳон» АА. Нью-Йорк

«BestSoft — Uzbekistan — 2012»: Дастурий маҳсулотлар кўргазмаси



(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Кўргазма экспозициясидаги маҳсулотлар дастурлаш воситалари, таълим, ахборот хавфсизлиги, мультимедиа, дизайн ва бошқа йўналишдаги тендларга жамланган. Масалан, павильонга киришингиз билан чал томонга ўрнатилган йирик ҳажмдаги, замонавий дизайнли телевизорлар диққатингизни тортади. Электрон истеъмолчи бозориди ҳамда инновацион технологиялар яратиш борасида дунёда етакчилик қилиб келаётган «LG Electronics» компанияси томонидан ишлаб чиқарилган, LG Cinema 3D Smart TV туркумига кирувчи мазкур телевизорлар бир қанча замонавий имконият ва қулайликларни ўзида муҳассам этгани билан ажралиб туради. Наевбатдаги қаторларда «Uzinifonot» компьютер ва ахборот технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий этиш маркази, «Biosoft Multimedia», «Sen Soft», «Intelligent Solutions», «Metrator» каби компаниялар, Muloqot.uz, Baho.uz, Unicoz.uz сингари ижтимоий тармоқлар ва бошқа ташкилотларнинг ишланма, дастур ҳамда лойиҳалари намойиш этилмоқда. — Биз давлат ва нодавлат ташкилотлари, йирик компания ҳамда фирмалар учун компьютер дастурлари яратиш ва ахборот технологиялари соҳасида хизмат кўрсатиш билан шуғулланамиз, — дейди «Fido-biznes» масъулияти чекланган жамияти етакчи мутахассиси Сардор Қодирхўжаев. — Хусусан, жорий йилнинг ўтган даврида электр таъминот корхоналари ва истеъмолчилар учун «Электроуш» дастурий таъминот маҳмулини яратди. Бунга кўра, электр энергиясидан фойдаланувчилар интернетдаги «Шахсий бўлмағлар» орқали охириги тўловлари, қарздорлиги, қувват тарифлари, мавжуд баланс ҳақида керакли маълумотларга эга бўлишлари мумкин. Агар тармоққа истеъмолчи ўз мобил алоқа воситаси рақамини киритиб қўйса, юқоридаги маълумотлар унинг телефонига SMS тарзида мунтазам келиб туради. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бюртмасига кўра, махсус дастур ишлаб чиқиб, амалиётга татиқ қилиди. Бу жамғарма ва унинг жойлардаги тармоқлари фаолиятини автоматлаштирилган тарзда ташкил этиш имконини беради. Ҳар икки лойиҳа мамлакатимизнинг барча ҳудудларида фойдаланишга мўлжалланган. — Биз Muloqot.uz ижтимоий тармоқ хизматларини намойиш қиламиз, — дейди мазкур тармоқнинг тижорат директори Зуҳра Юнусова. — Сайтимиз талаба-ёшларга ўзаро танишиш, мулоқот қилиш ва ахборот алмашиш имконини беради. Қолаверса, бу ерда 26 мингга яқин муасир альбомлар, кизикарли фотосуратлар жамланган. Мақсади-миз, ўз лойиҳаларимиз асосида тармоқ аъзоларининг билим ва дунёқарашини, ижтимоий фаолигини ошириш ҳамда уларни ўзаро дўстлашув ва мулоқотга чорлашдан иборат.

Кўргазма доирасида семинарлар, анжуманлар, маҳорат сабоқлари, тақдирот дастурлари, давра суҳбатлари бўлиб ўтди. Хусусан, уларда софтвер санъатини ривожлантириш масалалари ва тенденциялари, очик дастурий таъминот, унинг инфратузилмаси, маҳсулотлари ва ечимлари, IT-таълим, дастурий инженерияни кадрлар билан таъминлаш каби мавзулар муҳокама этилди. Албатта, буларнинг барчаси жаҳадаги янгиликлар билан танишиш, ўзаро тажриба алмашиш, тизим раванқини янада жадаллаштириш мақсадида тегишли тақлифлар тайёрлаш учун кенг имконият яратиб беради. Бинобарин, тадбир доирасида «Дастурий маҳсулот — йил маркази», «2011 йилда жорий этилган энг яхши лойиҳа», «IT-таълим соҳасидаги энг яхши компания», «Энг яхши инновацион компания» ва «Дастурий маҳсулот соҳасидаги энг яхши талабалар ишланмаси» номинациялари бўйича голиблар аниқланди. Ахборот-коммуникация технологиялари мутахассислари учун соҳа компаниялари томонидан тақлиф қилинган бундай иш ўринлари меҳнат ярмаркасида қўллаб-қўллаб қўллаб бўлажак иш жўялари билан шартнома имзолашлари.

Фаррух БЎТАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири. Бахтиёр АКРАМОВ олган суратлар.

Интилиш

Наманган вилоятида кичик бизнес ривожига, оилавий тадбиркорликка алоҳида эътибор қаратилаётир.

Кичик бизнесга эътибор

Поп туманининг Уйғур қишлоғида яшовчи тадбиркор Аҳмаддон Мамажонов банкдан олган кредити эвазига «Алтай-900» ёғоч тили агрегати олиб келиб ўрнатган бўлса, Санг қишлоғида яшовчи Муроджон Маъмуров ўз қишлоғида савдо мажмуасини қуриб, фойдаланишга топширди. Мингбулоқ туманидаги «Мавлюно Мафтуна Нуроний» хусусий корхонасида булочка маҳсулотлари, Уйчидаги «Алфа Фарход» кичик корхонасида эса ҳўжалик совунлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Бугун вилоятда фақат саноят йўналишининг ўзида 2126 та кичик бизнес субъекти фаолият кўрсатмоқда. Улар томонидан ўтган йили 196 миллион 800 миллион сўмлик халқ истеъмолчи моллари ишлаб чиқарилди. Бу олдинги йилдагидан 111 фоизга кўп мақдир.

Али ЗИЁДОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

18 май — Халқаро музейлар куни

Музейлар — маънавиятимиз кўзгуси, уларда жамланган ёдгорликлар биз кимнинг, қандай буюк зотларнинг авлоди эканлигимизни кўрсатиб берувчи ноёб манбалардир.



Бебаҳо маънавий бойлик

Шуни эътироф этиш жоизки, бугун мамлакатимиздаги музейлар фаолиятини янада яхшилаш, уларни замонавий шарт-шароитлар билан таъминлаш масаласига катта аҳамият қаратилмоқда. Истиқлол йилларида Ўзбекистон тарихи давлат музейи, «Қатагон қурбонлари хотираси», Темурийлар тарихи давлат музейи, Археология музеейи(Термиз шаҳрида)лари ташкил этилганлиги тарихий адолатли тиклаш йўлидаги эзгу сазй-ҳаракатлар сирасидандир. Айниқса, Президентимизнинг 1998 йил 12 январда қабул қилинган «Музейлар фаолиятини тубдан яхшилаш ва такомиллаштириш тўғрисида»ги Фармониға мувофиқ, юртимизда мавжуд музейлар тизимини янада такомиллаштириш, уларнинг халқ, хусусан, ёш авлод маънавий-ахлоқий камолотида тугган ўрнини ошириш, музей захираларида сақланиб келинаётган нодир экспонатларни авайлаб-асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб этиш борасида кўплаб амалий ишлар қилинди.

Ҳозирги кунга келиб, мамлакатимиз музейларида қатор янги йўналишлар фаолияти йўлга қўйилди. Бу музейшуносликда коммуникацион ёндашувнинг шакланганлиги, экомуюлогия, музей-педагогика тадқиқотлари олиб борилаётгани, маданий-маърифий экспозициялар ташкил этилаётгани ва музей ишининг барча йўналишларида замонавий технологиялардан самарали фойдаланилаётгани мисолида ўз ифодасини топаётир. Маълумки, ЮНЕСКО қарори билан Хива, Бухоро ва Термиз каби тарихий шаҳарларимизнинг бўйилеи санаси юртимизда ҳамда халқаро мўқдса кенг нишонланди. Ушбу тадбирлар тўғрисида тарихий обидаларни таъмирлаш ва қайта тиклаш, шунингдек, мазкур ҳудудлардаги музейлар ишини тубдан яхшилаш, уларнинг фонддини янги археологик тадқиқотлар орқали таъмирлаш ва қайта тиклаш, шунингдек, Термиз археология музейи кўна шаҳарнинг кутлуг тўйи муносабати билан барпо этилиши уни бебаҳо маданий масканлардан бирига айлантирди. Мазкур музей Марказий Осиёда ягона ҳисобланади. Унинг муҳташам биноси шаҳарнома меъморчилик услубида қурилган бўлиб, кириш зали, 9 та асосий зал ва маҳобатли устунлар билан безатилган галерейдан иборат. Кириш залида турли тарихий даврларга тегишли тош ва

гипсдан ишланган ҳайкаллар, тош ҳовуз ҳамда катта ҳажмдаги сопол хумлар жой олган. Шу ернинг ўзида воҳа тарихининг турли даврларига оид 20 та археологик иншоотнинг рельефли харитаси ҳам мавжуд. Асосий залларда эса Сурхондарё вилоятидан топилган энг қадимги одамларнинг тош қуроллари, моҳир усталарнинг санъат асарлари хронологик тартибда жойлаштирилган. Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда яна бир тарихий-маданий маскан — «Қатагон қурбонлари хотираси» музейи очилди. Бу ерда қатагончилик сиёсатининг пайдо бўлиши, унинг сабаби ва оқибатлари тадқиқ этилиб, қатагон қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ҳамда уларни ёд этиш мақсадида турли маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилади. Музей захираси мамлакатимиз ҳамда хориждаги турли ҳўжатлар, экспонатлар билан мунтазам бойитиб бориламоқда. Қувонарлиси шундаки, озодликни орзу қилиб ўтган ота-боболаримиз хотирасига эҳтиром рўҳида ўсиб-ўлғаяётган ва бугун юртимиз тарихи билан боғлиқ асл ҳақиқатларни билишга қизиқадиған ёшларимизнинг қадами бу ердан узилмади. ...Бугунги кунда музей ва музей-қўриқхоналарнинг халқаро алоқалари изчил ривожланиб бормоқда. Бунинг самараси ўлароқ, миллий экспонатларимиз Париж, Лион, Штутгарт, Ганновер сингари сазйёйлик соҳаси тараққий толган шаҳарлардаги йирик кўргазмаларда намойиш қилинди. Хусусан, Ўзбекистон Амалий санъат музейи экспонатлари Бруней қироллиги, АҚШ, Малайзия, Озарбайжон, Австралия, Саудия Арабистони, Хиндистон ҳамда Япониянинг қатор шаҳарларида бўлиб ўтган маданий тадбирларда «Тарихий Ўзбекистоннинг амалий санъат дурдоналари» номи остида санъат илҳосмандлари эътиборига ҳавола қилинди. Юртимиз музейларида эса Польша, Япония, Франция, Испания ва бошқа мамлакатлардан олиб келинган таъсирий ҳамда амалий санъат асарлари, фотосуратлар кўргазмаси мунтазам ташкил этилмоқда. Албатта, буларнинг бари халқимизнинг маънавий меросини асраб-авайлаш, кенг тарғиб қилиш ва мана шу бебаҳо бойликни авлоддан-авлодга етакши мақсадида амалга оширилаётган хайрли чора-тадбирлар натижа-сидир.

Наргиза ТОЛИПОВА, Ўзбекистон музейлар Кенгаши (ИКОМ) раиси, Амалий санъат музейи директори.

Тадбир

Тошкентда «Амалга оширилаётган ислохотларнинг ошқоралигини таъминлаш: давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари салоҳиятини такомиллаштириш масалалари» лойиҳаси доирасида семинар бўлиб ўтмоқда.

Ахборот хизматлари фаолиятини такомиллаштириш

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари очиклигини таъминлашга хизмат қилади

Тадбир Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти(ЕХТ)нинг мамлакатимиздаги лойиҳалари координатори ҳамда Журналистларни қайта тайёрлаш халқаро маркази томонидан ташкил этилди. Таъкидланганидек, мазкур лойиҳа Президентимиз томонидан тақдим қилинган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш бўйича белгилаб берилган устувор вазифалардан келиб чиқиб амалга ошириллаяпти. У икки йилга мўлжалланган бўлиб, ахборот хизматлари ходимлари ва журналистлар иштирокидаги семинар-машғулотлар тарзида жамоатчилик, иқтисодий ва ижтимоий йўналишлар бўйича босқичма-босқич ўтказилмоқда. Бундан қўзланган асосий мақсад давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти ҳақида жамоатчиликни хабардор қилиб

бориш жараёнларини такомиллаштириш, ахборот хизматлари фаолияти самарадорлигини оширишдан иборат. Тадбирда юртимизда ахборот соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фуқароларнинг ахборот олиш эркинлигини таъминлаш борасида ҳаётга татиқ этилаётган қонун ҳужжатлари, хусусан, Концепция асосида ишлаб чиқилган «Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиклиги тўғрисида»ги қонун лойиҳаси ҳақида батафсил маълумот берилди. Семинарда мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари ривожини таъминлашга қаратилган қонунчилик базаси ва унинг ўзига ҳоқ жихатлари, ахборот хизматларини бошқариш, маълумотлар тайёрлаш, анжуманлар ташкил этиш қоидалари, давлат бошқаруви органлари ва жамоат ташкилотларининг веб-сайтларини юритиш, такомиллаштириш, ОАВ билан ҳамкорлик қилиш каби мавзуларда маърузалар тингланмоқда. Ш. ОРТИҚОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

(Давоми. Бошланғич 1-бетда).

Тиббиётимиздаги ислохотларнинг аҳамияти шунданки, энг олис ҳудудларгача эътибор қаратилади. Қишлоқ врачлик пунктимиз мисолида айтадиган бўлсак, замонавий асбоб-ускуналар билан таъминланган. Жиззах туманидаги Зиёкор ва Хавастлик маҳалла-ларидаги 1623 та хонадонда яшовчи 10 минг 457 нафар аҳолига хизмат кўрсатамиз. Бу ерда дастлабки тахисслар билан бир қаторда, барча турдаги қон текширувларини амалга ошириш, юрак фаолияти ҳамда ҳомиланнинг ривожланиши билан боғлиқ ҳолатларни аниқлаш имконияти мавжуд. Беморларга стационар даволиани шариоити яратилган. Касалликни даволашдан кўра унинг ол-

дини олган афзал, дейди халқимиз. Шундан келиб чиқиб, профилактик тадбирларга алоҳида эътибор қаратаймиз. Ҳамшираларимиз хонадонларга бориб, оналар ва болалар саломатлигини

лат беради, бу ютуқларга қандай эришилмоқда, деган масалалар юзасидан қўлгина фикрлар билдирилмоқда, тадқиқотлар олиб берилмоқда. Лекин мезондан сўрса, бу ютуқларнинг асосий мезони инсон омили, деб айтган бўлардим», дея алоҳида таъкидлади. Дарҳақиқат, «Ислохотлар учун ислохот учун эмас, аввало, инсон манфаатлари учун» деган эзгу тамойил асосида олиб борилаётган ҳар бир ишда биз ана шу омил устувор эканлигини чин дилдан ҳис қилиб яшамоқдамиз. Эътибор, кадр бор жойда эса янгиликка интилиш, изланиш кузатилаверади. Фарход МАЖИДОВ, Жиззах туманидаги Ховастлик қишлоқ врачлик пункти мудирини, «Соглом авлод учун» ордени соҳибини.

Ютуқларимизнинг бош мезони

Алоқа тизими

Маълумки, телекоммуникация бозорига мобил алоқа хизмати рақобатчи сифатида кириб келганидан сўнг симли алоқа тизимида ҳам кескин ўзгаришлар юз бера бошлади. Бу, ўз навбатида, соҳада яратувчанлик, изланиш, янгиликка интилиш жараёнларини янада кучайтирди.

Таъкидлаш жоизки, 2012 йилнинг 1 январь ҳолатига кўра, тармоқда 90 та АТС ва кўчма концентраторлар хизмат кўрсатмоқда. Барча АТСларнинг умумий қуввати 658,4 мингта рақамни, фойдаланиш қуввати 600,5 минг рақамни, фойдаланиш коэффициенти эса 91,2 фоизни, 100 та аҳолига нисбатан зичлиги 26,3 та телефон аппаратурини ташкил этди.

«Тоштелеком»:

Модернизация – ривожланиш пойдевори

Филиал томонидан кўрсатилган алоқа хизматлари учун ҳисобланган даромад режадаги 50333,4 млн. сўм ўрнига 56141,4 млн. сўм бўлди ва бу вазифа 111 фоизга уфдаланди (ўтган йилнинг шу давридаги нисбатан ўсиш суръати 109 фоиз). Шу жумладан, аҳолига алоқа хизматлари кўрсатиш 35462,0 млн. сўмга етди (ўсиш суръати 113,2 фоиз).

Қурилиш ишлари учун жами 21124,4 млн.сўм, жумладан, қурилиш-монтаж тадбирларига 2302,5 млн. сўм миқдоридан маблағ сарфланди. Корхонанинг ўз маблағлари ҳисобига 21112,5 млн. сўмлик иш ҳажми бажарилди, хусусан, 11,8 млн. сўмлик иш ҳажми аҳоли маблағларини жалб қилиш эвазига амалга оширилди.

— Соҳада юзага келган эркин рақобат муҳити тармоққа мутлақо замонавий технологияларни жорий этиш заруратини тугдирди, — дейди «Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиали директори Абдурашид Абдумунинов. — Бу эса, ўз навбатида, филиалимиз ходимларини янги мақсадлар сари ундамоқда. Масалан, мутахассисларимиз томонидан яратилган биргина ADSL портлари тармоқда дастлаб саноклига эди. Бугунги кунда эса улар сони қарийб 23 мингга етиб, фойдаланаётганлар сифими миқдори 16520 тадан ошиб кетди. Бунинг натижасида ADSL портларидан олинган даромад миқдорини 5

млрд. 297 минг сўмга етказишга эришилди. Шу билан бирга, мижозларимизга янада қулайлик яратиш мақсадида 2012 йил якунига қадар пойтахтимиздаги 1375 та кўп қаватли тураржой биносига интернет хизматининг ФТТВ технологиясини татбиқ этиш мақсадида 315,719 км.лик оптик толали алоқа кабелли ётқириш ишлари олиб борилмоқда. Аини пайтда шахримиз бўйича мазкур технология асосида 4296 та порт монтаж қилинган бўлиб, ҳозир уларнинг 735 тасидан фойдаланилмоқда. Ўз навбатида, тармоқдаги «CALL-Center» маълумотларини тақдим этиш хизмати томонидан 24395 минг нафар мижознинг кўнги-роғига хизмат кўрсатилиб, бундан 687817 минг сўмлик даромад олинди.

Бундан ташқари, шахримиздаги 229, 234/235, 254/255, 262, 276, 294/297-АТС бинолари ҳамда Нўкус кўчасидаги «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалининг янги маъмурий биносига «Uzonline» савдо шохобчалари ишга туширилди. Ушбу «Ягона ойна» марказлари орқали пойтахтимиз аҳолисининг тураржойдан қатъи назар, мазкур хизмат турларидан барча шохобчаларда фойдаланиш имконияти пайдо бўлди. Мустақиллигимизнинг 21 йиллиги арафасида эса қўшимча сифатида 217/218, 267/268-АТС бинолари ҳам «Ягона ойна» марказлари ишга туширилди.

— Албатта, биз биргина юқорида тилга олинган янги-

ликлар билан чекланиб қолганимиз йўқ, — дея сўзини давом эттирди А. Абдумунинов. — Белгиланган режага кўра, жорий йилнинг дастлабки чораги давомидан 214, 224, 229, 244, 252, 273-АТСларнинг эскирган ускуналари «Искра-тел» компаниясининг янги авлод станция ускуналарига алмаштирилди. Мис кабеллар ўрнига оптик толали алоқа кабеллари ётқизилди. Шунингдек, MSAN қурилмалари ўрнатилиши натижасида эксплуатация харажатларининг камайишига, сифат кўрсаткичларининг яхшиланишига ва янги хизмат турларининг орттишига эришилди. Уйлаймизки, амалга ошираётган шу ишларимизнинг барчаси мижозларимизга янада сифатли хизмат кўрсатишга, бундан-да хилма-хил хизмат турларини тақлиф этишимизга имкон яратиб беради.

Таъкидлаш лозимки, бугунги рақобат шароити талабларидан келиб чиқиб, «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» филиалида телефон ўрнатиш масаласи бўйича юридик ва жисмоний шахслардан тушган мурожаатларни ўз вақтида ўрганиб чиқишга ҳам алоҳида

Филиал раҳбарияти томонидан ходимлар саломатлигини муҳофизатлаш, уларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, спорт мусобақалари ташкил этиш орқали соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, 973 нафар ходим тиббий кўрикдан ўтказилди. Санаторийларга боришни истаган ходимларга йўлланмалар берилмоқда. Мустақам оила йилида бундай ижтимоий ҳимоя тизимини янада кучайтириш кўзда тутилган.

Усмон УСМОНОВ тайёрлади.

ИПОТЕКА BANK

«ИПОТЕКА-БАНК»

АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ ИПОТЕКА БАНКИ

«ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ»

очиқ акциядорлик жамияти ва «ЎЗМЕТКОМБИНАТ»

очиқ акциядорлик жамияти меҳнат жамоаларини ҳамда тармоқдаги барча кончи ва металлурглари

Ўзбекистон Республикаси
кончилик ва металлургия
саноати ходимлари
куни билан
самимий
қутлайди!



Уларга барча ишларида муваффақиятлар, улкан зафарлар, оилавий бахт ва саломатлик тилайди!

«АСАКА»
ДАВЛАТ-АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган барча инженерлик ва инфратузилма тармоқлари билан таъминланган ишлаб чиқариш корхоналарига инвестиция киритишда иштирок этиш ёки уларни сотиб олишни тақлиф этади

Т/р	Номи	Жойлашган жойи	Ер майдони (гектар)	Ишлаб чиқариш майдони (гектар)	Ишлаб чиқариш қуввати (йилига)
1.	Органоминерал ўғитлар ишлаб чиқариш мулкый мажмуаси	Тошкент шаҳри, Яққасарой тумани	0,78	0,76	5 712,0 тонна ўғит
2.	Дори-дармон воситалари ва инфузион эритмалар ишлаб чиқариш мулкый мажмуаси	Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани	0,78	0,72	300,0 млн. дона таблетка ва 6,6 млн. флакон инфузион эритма
3.	Электрод ишлаб чиқарувчи технологик асбоб-ускуналар	Тошкент шаҳри, Олмазор тумани			4 994 тонна
4.	5 қаватли маъмурий-маиший бино	Тошкент шаҳри, Ҳамза тумани		3 985 кв.м.	
5.	«Осий Асака Модель» МЧЖ (аёллар пойабзали ишлаб чиқариш)	Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани		0,3	204 минг жуфт аёллар пойабзали
6.	«Асака Коттон Импекс» МЧЖ (тиббий гирроскопик пахта ишлаб чиқариш)	Тошкент вилояти, Ангрэн шаҳри	4,7	3,9	2 000 тонна тиббий гирроскопик пахта

E-mail: info@asakainvestment.uz
Маълумот учун телефонлар: (8-371) 120-39-68, 120-39-75.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига Олмазор тумани СИБ томонидан, Жиноят ишлари бўйича Тошкент вилояти судининг 2010 йил 4 мартдаги 2-036-10-сонли ва 2-037/10-сонли ижро варақаларига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Себзор даҳаси, 59-уй, 16-хонадонда жойлашган, умумий фойдаланиш майдони 57,55 кв.м. бўлган, 2 та яшаш хонаси, дахлиз, ошхона, хожатхона, ҳаммомдан иборат уй-жой арзонлаштирилган ҳолда тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 50 164 889 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 6 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли суд

Лицензия: RR-0001.
Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент ш., Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй.
Телефон: (8-371) 228-79-52. www.1kms.uz

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ **Сурхондарё вилояти филиали**

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибидан ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига тақлиф этади!

Аукцион савдосига «Сурхон Дори-дармон» шўъба корхонаси томонидан, «Дори-дармон» акциядорлик компанияси қузатув кенгашининг 2011 йил 15 мартдаги 30-сонли баённомасига асосан, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, ат-Термизий кўчаси, 19-уйда жойлашган, «Сурхон Дори-дармон» шўъба корхонасига тегишли, майдони 1273,82 кв.м. бўлган, 64 хонадан иборат уч қаватли маъмурий бинонинг биринчи қаватидаги бир қисми, иккинчи ва учинчи қавати ҳамда ертўла биноси тақроран қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 420 466 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 6 июнь кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Савдога қўйилган кўчмас мулк билан тегишли сотувчи ташкилот вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истаганидаги талабдорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охири

муддати — 2012 йил 4 июнь кунини соат 18.00.

Юқоридаги мулк 2012 йил 6 июндаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақрорий аукцион савдоси 2012 йил 22 июнь кунини соат 10.00 да бўлиб ўтади. Аризаларни қабул қилишнинг охири муددати — 2012 йил 20 июнь кунини соат 18.00.

Аукцион савдосида қатнашиш истаганидаги талабдорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган зақалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги зақалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Сурхондарё вилояти филиалининг АТБ «Савдога» банки Музработ филиалининг Термиз шаҳар минибанкидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000204920609017, МФО: 00336, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Ф. Ҳўжаев кўчаси, 32-уй, «Тадбиркорлар маркази» биноси.
Телефон: (8-376) 227-57-94. Расмий сайтими: www.1kms.uz

Лицензия: RR-0001.

Мухтарам қурдошлар! Сиз учун имконият!

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизларга мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги кўчмас мулкларни, хусусан, ишлаб чиқаришга доир бино-иншоотлар ва тураржой биноларини оммавий савдога чиқаришда маслаҳат-консалтинг хизматларини кўрсатишда ҳамда савдоларни қонуний ва сифатли ташкил этишда амалий ёрдам беради.

Кўрсатилган хизматлар «КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖнинг кўп йиллик тақрибига эга, малакали мутахассислари томонидан амалга оширилади.

«КО'СНМАС MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ сизнинг ишончли ҳамкорингиз бўлишни қафолатлаймиз.

САРА УРУҒ — ЮҚОРИ ҲОСИЛ ТАРОВИ!

«URUG-INVEST» Ўзбекистон — Сербия кўшма корхонаси

такрорий экин учун Сербия давлатининг Дала ва полиз экинлари илмий институти томонидан яратилган, Ўзбекистон Республикаси далаларида синовдан ўтган сифатли, эртапишар ва ҳосилдор

маккажўхори (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 8-10 тн/га),
кунгабоқар (вег. даври — 75-80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)
дурагақлари ва соя (вег. даври — 80 кун, ҳосилдорлиги — 3-4 тн/га)

УРУҒЛАРИНИ ТАҚЛИФ ҚИЛАДИ!

www.semena.uz Тел.: (+99897) 778-40-27, 800-83-13, 775-21-68. Факс (99871) 234-62-45.

ЭЪЛОН

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг 2012 йил 16 майдаги 19-03-22-05-0'zR-21-2012-сонли декларациясига мувофиқ, 2012 йил 1 июндан бошлаб «Навий КМК» давлат корхонаси томонидан ишлаб чиқариладиган фосфорит маҳсулотига нархлар қуйидагича белгиланади.

Т/р	Фосфорит маҳсулотини номи	Ўлчов бирлиги	Меъёрий тариф ҚҚС билан (сўм)
1.	Тошқўра фосфоритли уни	тонна	69 360
2.	Ювиб қуритилган Тошқўра фосфоритли концентрати	тонна	75 521
3.	Ювиб пиширилган Тошқўра фосфоритли концентрати	тонна	114 240

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

савдолар залида 2012 йил 18 июнь кунини соат 11.00 да объект бошланғич баҳоси юқорилаб борувчи очиқ аукцион савдосига қуйидаги объект сотувга қўйилганлигини маълум қилади.

Самарқанд вилояти ҳўжалик судининг 2011 йил 27 августдаги 14-1113/10869-сонли ижро варақасига асосан хатланган, суд ижрочилари Самарқанд шаҳар бўлими томонидан савдога қўйилган, Самарқанд шаҳри, Мишарапова кўчаси, 7-уйда жойлашган 4 қаватли бинонинг 1-қаватидаги умумий фойдаланиладиган ер майдонининг юзаси 28859 кв.м.дан иборат бўлган бино-иншоотнинг А-1 лидадаги маъмурий биноси ҳамда А-2 лидадаги кириш жойининг 33 хонаси, умумий майдони 1023,55 кв.м., фойдали майдони 865,19 кв.м.ни ташкил этади.

Бошланғич баҳоси — 297 598 200 сўм.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истаганидаги талабдорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Аукцион савдосида қатнашиш истаганидаги талабдорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдоридан зақалат пулини тўлов ҳужжатидан ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, савдо ташкилотчиси — «SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖнинг «Узсаноатқурилишбанк»нинг Самарқанд шаҳар «Амир Темуру» филиалидаги кўйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000904882192001, МФО: 00994, СТИР: 301795054.

Манзилими: Самарқанд шаҳри, Беруний кўчаси, 196-уй. Телефон: (8-366) 229-03-12, 229-65-88, (+99866) 269-41-11. Мўлжал — Чой қадоқлаш фабрикаси қаршида.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси девонхона бўлими бошлиғи Дилдора Юсуповага волидаи мухтарамаси

Нури ая ЮСУПОВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия иҳзор этади.

Камолот ва шижоат уйғунлиги



Бадий гимнастика

Вилоятимизда болалар, жумладан, қизлар спортга алоҳида эътибор қаратиляпти. Айниқса, спортнинг бадий гимнастика турига қизиқиш жуда юқори. Барча шахар ва туманларда бадий гимнастика заллари барпо этилгани, умумтаълим мактабларига шу спорт турига меҳр қўйган ёшлар учун алоҳида секциялар ташкил қилингани бунга бир мисолдир.

“Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинлари қатори юртимизда шакланган уч босқичли ягона тизимнинг узвий қисми бўлган “Умид ниҳоллари” мусобақалари спорт оламида энди қадим қўяётган, барчамизда катта умид уйғотадиган ёш талантларни кашф этадиган, таъбир жоиз бўлса, эртанги мамлакат, Осиё ва жаҳон чемпионлигига қанот берадиган парвоз майдони, десак, ўйлайманки, айна ҳақиқатни айтган бўламиз.

Ислом КАРИМОВ



Масалан, машъала ёқишни олайлик. Жаҳоннинг фақат бир неча мамлакатда, яъни Франциянинг Пиреней ҳудудиди, Грециянинг Олимп тоғи ва Ўзбекистоннинг Паркент туманидаги “Кўёш физикаси” илмий-ишлаб чиқариш институтида машъалани бевосита офтоб нуридан аланга олдиришга мўлжалланган қурилма мавжуд. Худди Олимпиада ўйинларида бўлгани каби уч босқичли спорт ўйинлари иштирокчилари ҳам уни қўлдан-қўлга узатган ҳолда юртимиз шахару қишлоқлари бўйлаб кўп минг километр йўл босиб ўтишади ва финал босқичи бўладиган жойга етказишади. Айнага кўра, “Умид ниҳоллари — 2012” спорт ўйинларининг финал босқичи ҳам худди шу тадбир билан бошланади. Машъалани Навоий шахрига етказишда танкичи спортчилар, қитъа, жаҳон чемпионолари ва умидли ёшлар иштирок этади.

Паркентдан Навоийга

Уч босқичли тизим ҳақида сўз кетганда бежиз “Кичик Олимпиада” ибораси қўлланмайди. Сабаби ушбу спорт мусобақаларининг ҳар бири халқро Олимпиада стандартлари ва талабларига мос тарзда ўтказилади.

Ҳозирлик

Мамлакатимизда жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратиляётган эътибор туфайли ҳар бир ҳудуддан кўплаб истеъодлар етишиб чиқмоқда. Бунда уч босқичли мусобақалар тизими муҳим аҳамият касб этаётди.

Бу йилдан-йилга ўзаро соғлом рақобат муҳитини ҳам шакллантирмоқда. Гап шундаки, илгари республика миқёсидаги қатор беллашувларда Тошкент шаҳри вакиллари аксарият спорт турлари бўйича вилоят жамоаларидан сезиларли даражада устунлик қилишарди. “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада ўйинлари жорий этилгач, вилоятлар спортчилари пойтахт вакиллари билан тенгма-тенг баҳс юрита бошлади. Фикримизни 2009 йилда Гулистон шаҳрида ўтказилган “Умид ниҳоллари” мусобақаларида Сирдарё вилоятининг кўл тўпи бўйича ўсмирлар ва қизлар жамоаси, Наманган вилоятининг ёш футболчилари кўлга киритган гала-балар ҳам аққол тасдиқлайди. Ёки стол теннисини бўйича Тошкент вилояти, шахматда Самарқанд вилояти, волейболда Қорақалпоғистон Республикаси вакилларининг анча яхши натижаларни қайд этишгани мутахассисларда илқ таассурот уйғотганди.

ларига янада жиддийроқ эътибор қаратишмоқда. — Мусобақаларда рақобатнинг ортаги ҳар жиҳатдан фойдали, — дейди ку-

Ҳаяжонли дамлар яқин

раш бўйича Тошкент шаҳар терма жамоаси бош мураббийи Улғубек Раҳмонов. — Чунки бахслар янада қизиқари ва мurosасиз кечади. Қолаверса, уч босқичли спорт ўйинларида тобланган ёшларимиз келгусида халқро беллашувларга ҳам руҳан, ҳам жисмонан тайёр ҳолатда боришади. Мен 2006 ва 2009 йиллардаги “Умид ниҳоллари”да ҳам шогирдларим билан қатнашган эдим. Спортнинг кураш турлари бўйича Қашқадарёдаги беллашувларда илк ўнтакликка ҳам қира олмаган эдик. Сирдарёда эса еттинчи поғона билан қифолланганмиз. Албатта, бу натижалар бизни қониқтирмайди. Шу боис

Совринли ўринларга даъвогармиз

Шунингдек, ўтган йили Бухоро шаҳрида ихтисослаштирилган бадий гимнастика спорт мактаби фаолияти ҳам йўлга қўйилди. Бу эртаими эгалари учун яна бир ўзига хос имконият бўлди. Ҳозир вилоятимизда 5500 нафардан зиёд киз спортнинг гўзал ва нафис тури билан шуғулланыпти. Албатта, кўрсатиляётган бундай эътибор ва ғамхўрликдан руҳланган шогирдларимиз мамлакат ва халқро миқёсдаги мусобақаларда муваффақиятли иштирок этишапти. Масалан, кейинги икки йилда вилоятимиз гимнастикачи қизларининг 45 нафари республика даражасидаги турнирлар ғолиби бўлди. Аҳамиятлиси, бу каби ютуқларга “Умид ниҳоллари” спорт мусобақалари орқали тамал тоши қўйилляпти. Бундан у йил муқаддам Сирдарёда ўтказилган дўстлик, шижоат ва нафосат байрамида гимнастикачиларимиз муваффақиятли қатнашиб, умумжамоа ҳисобида фахрли учинчи ўринни эгаллашган эди.

“Умид ниҳоллари” биз, мураббийлар учун ҳам ўзига хос кўзгу вазифасини ўтайди. У орқали ўз ютуқ ва камчиликларимизни билиб оламиз, қолаверса, касб маҳоратимизни, тажрибамизни оширамыз. Ёшларимиз ҳам бундай спорт байрамларини доимо интиқлик билан куттишади. Навоийда бўлиб ўтадиган навбатдаги бахсларга ҳам астойдил тайёргарлик қўраемиз. Шогирдларимиз — Бухоро шаҳридаги 21-мактаб ва 2-мактаб ўқувчилари Зарема Самадова ҳамда Зарина Негматовадан умидимиз катта. Ҳар иккаласи ҳам иқтидорли, интилувчан. Улар мамлакат терма жамоасига ҳам жалб этилишган. Шулардан келиб чиқиб, “Умид ниҳоллари”да спортнинг бадий гимнастика тури бўйича совринли ўринларга асосий даъвогарлардан биримиз, десак, муволафа қилмаган бўламиз.

Екатерина КУПАТӘДЖЕ, бадий гимнастика бўйича Бухоро вилояти терма жамоаси мураббийи.

Факт ва рақамлар

- Президентимиз ташаббуси билан 2000 йилдан бошлаб, мамлакатимизда уч босқичли спорт мусобақалари ўтказиб келинмоқда. Улар биринчи синф ўқувчиларидан тортиб, олий таълим муассасаси битирувчиларигача — ёш авлоднинг барча вакиллари қамраб олиши билан алоҳида аҳамиятга эга.
- “Умид ниҳоллари” спорт ўйинлари республика босқичига ҳозирги кунга қадар Фарғона (2002 йил), Хоразм (2003 йил), Қашқадарё (2006 йил) ҳамда Сирдарё (2009 йил) вилоятлари мезбонлик қилган.
- “Умид ниҳоллари” 2012 спорт ўйинларининг финал босқичига бўлган саралаш бахсларида 4 миллион 271 минг 696 нафар ўқувчи иштирок этиб, спортнинг 12 тури бўйича ўзаро беллашди. Уларнинг 44,3 фоизи қизлардир.
- Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жағнамаси ташкил этилгандан буён ўтган давр мобайнида мамлакатимизда қарий 1500 та замонавий болалар спорт объекти барпо этилди.
- Юртимизда 6 ёшдан 15 ёшгача бўлган ўқувчилар ўртасида спорт билан шуғулланувчилар 2008 йилдаги 29,2 фоиздан 2011 йилда 34,9 фоизгача, жумладан, киз болалар ўртасида 24,1 фоиздан 31,4 фоизгача ошди.



Кўркам, қулай ва замонавий

“Дельфин”даги шарт-шароитлар ҳавас қилишга арзийди. Унинг таркибида 50х20, 20х20 ҳамда 20х10 метр ҳажмдаги учта сузиш ҳавзаси мавжуд бўлиб, сув узатиш, филтрлаш ва алмаштириш жараёнида энг замонавий технологиялар имкониятидан фойдаланилади. Ювенил, кийинчи хоналари, тренажёр заллари ҳам зарур ускуналар билан таъминланган. Тиббиёт хоналарига эса биринчи тез ёрдам кўрсатиш учун дори-дармон воситалари келтириб қўйилган. Мутахассислар ҳар бир спортчининг соғлиғидан доимо кўзқулқ бўлиб туришади. “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақаларининг сузиш бўйича бахсларига бе-

жиз “Олтин сув” сузиш маркази танлангани йўқ. Бу маскан республика миқёсида кўплаб истеъодларни етказиб берган, унинг доверуғини нафақат навоийликлар, балки юртимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам яхши билишади. Масалан, 1998 йилда қитъа чемпионатида юртимиз байроғини бўланд кўтаришга муяссар бўлган Вячеслав Кабанов айнан “Олтин сув” тарбияланувчиси. Кейинги йилларда бундай спортчилар сафи янада кенгайди. Навоийга ташриф буюрадиган умидли ёшлар улар ҳақида ҳам батафсил маълумотга эга бўлишлари мумкин. Шу орқали қалбларида катта спортга иштиқ янада ортиса, ажаб эмас.

Инфратузилма

“Умид ниҳоллари — 2012” мусобақаларига тайёргарлик жараёнида Навоийда кўплаб янги спорт мажмуалари, ижтимоий инфратузилма объекти барпо этилди, мавжудлари қайта таъмирланиб, замонавий қиёфага келтирилди. Ана шундай масканлардан бири қатор чемпионларни тарбиялаб берган “Олтин сув” сузиш марказининг асосий спорт базаси — “Дельфин” сузиш ҳавзасидир. Бу ерда ёшлик ва нафосат байрами иштирокчилари ўз имкониятларини синовдан ўтказадилар.

Парвоз майдони

Уч босқичли тизимнинг узвий қисми бўлган “Умид ниҳоллари” мусобақаларида маҳоратини оширган ёшларимизнинг кўпчилиги бугун халқро ареналарда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилмоқда.

Хусусан, XVI ёзги Осиё ўйинлари совриндорлари Луиза Галуилина, Асал Сапарбаева, Юлия Горева, Ирина Володченко, Жамила Раҳматова, Замира Санакуллова, қитъа чемпионлари совриндорлари Хуснибону Фуломова, Сарина Холиқова, Луиза Фаниева, Светлана Прошкина, Зарина Курбонова, Дилноза Абдусаломова, Азиза Мамажонова, халқро турнирлар ғолиблари Тўйчи Авлиёқулов, Сайёра Маткаримованинг истеъоди айнан “Умид ниҳоллари”да кашф этилган.

Азамат ЗАРИПОВ, “Халқ сўзи” мухбири.

Шогирдларимдан умидим катта

Юртимизда шакланган уч босқичли ягона тизимнинг дастлабки бўғини — “Умид ниҳоллари” спорт ўйинларининг финал босқичига Наманганлик спортчи ўғил-қизлар ҳам пухта ҳозирлик кўришмоқда.

Волейбол

Жумладан, Янгикўрғон туманининг Исковот қишлоғидаги 26-умумтаълим мактаби негизиди ташкил топган волейболчи қизлар жамоаси нуфузли мусобақаларда спортнинг ушбу тури бўйича вилоят шарафини ҳимоя қилади. Қишлоқнинг қаққон, қобилиятли ва интилувчан ёшларини бирлаштирган бу жамоага катта ишонч билдириляётган бежиз эмас. Гап шундаки, улар турли даражадаги мусобақалар, халқро

миқёсдаги турнирларда муваффақиятли иштирок этиб, юртимизда болалар спортини ривожлантиришга қаратиляётган юксак эътиборнинг амалий натижаларини аққол намоён этмоқдалар. Бундай ютуқлар биз, мураббийларга ҳам чексиз гурур ва ифтихор туйғуларини бахш этади. Чуноткин, кейинги йилларда Россиянинг Тольятти шаҳрида ўтказилган нуфузли мусобақаларда вакилларимиз икки бор ғолибликка эришиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қилишди. Янги

йил арафасида Навоий шаҳрида республика Болалар спортини ривожлантириш жағнамаси соврини учун ташкил этилган бахсларда эса иккинчи ўринни эгалладик. Жорий йилнинг февраль ойида Наманганда ўсмир қизлар ўртада ўтказилган мамлакат чемпионати, айтиш мумкинки, волейболчиларимиз учун “Умид ниҳоллари”нинг навбатдаги бахслари олдидан ҳаққий синов бўлди. Чемпионатнинг дастлабки икки турида жамоамизнинг биринчи ўринни эгаллаш қизларимиз қайфиятини янада кўтариб юборди. Унда ўз истеъодини кўрсатган Шаҳноза Тожибоева, Сайёра Нурбоева, Маҳмуда Акрамова, Шохсаном Исломжонова ва Сайёра Саримсоқова вилоят терма жамоаси сафида Навоийда майдонга тушади.

Илхом ТУРДИЕВ, волейбол бўйича Наманган вилояти қизлар терма жамоаси бош мураббийи.

Имконият

“Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод” ва Универсиада спорт ўйинларига нафақат юртимизда, балки хорижда ҳам қизиқиш юқори.

Мусобақаларни интернетда ҳам кузатиш

Шу боис ҳар гал интернет тармоғида беллашувлар натижаларини тезкор ёритиб боришга мўлжалланган махсус сайт очилди. Жумладан, Навоий шаҳри мезбонлик қиладиган “Умид ниҳоллари — 2012” спорт мусобақаларининг республика босқичига оид энг сўнгги

янгилликлар, жамоалар кўлга киритган ютуқлар, иштирокчиларнинг ёрқин лаҳзалари муҳрланган суратлар ҳамда видеороликларни umid-nihollari.uz сайти орқали ҳам кузатишингиз мумкин. Таъкидлаш жоизки, сайтдаги маълумотларни мунтазам янгилаб бориш мақсадида журналистлар, таржимонлар ва тилшунослардан иборат алоҳида гуруҳ шакллантирилган. Уларнинг самарали ишлаши учун иккита хона ажратилиб, 8 та компьютер ва бошқа зарур техника жиҳозлари билан таъминланган. Янгилликлар ўзбек, рус ва инглиз тилларида тақдим этиляпти. Шу боис кундан-кунга сайтага мурожаат қилувчилар сонини сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Шухрат ХУДОЙҚУЛОВ, “Ёшлик” жисмоний тарбия ва спорт жағнамаси Сурхондарё вилояти кенгаши раиси ўринбосари.



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазиранлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 554. 91 284 нусхада босилган, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Ҳўлолар 232-11-15.

Тахририятга келган кўлэмалар тахриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — С. Махсумов.
Мусахҳиҳ — С. Исломов.